

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ СОННИНГ ЎСИШИ ВА УНИНГ
ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ембергенов Н.Ж.,

Қорақалпоқ давлат университети

Ауезов О.Т.,

Нукус давлат педагогика институтини
Ўзбекистон

Аннотация: в данной статье рассматриваются факторы, влияющие на рост, размещение и территориальные особенности населения нашей страны.

Ключевые слова: прирост населения, естественное воспроизводство, механическое движение, расселение, миграция, урбанизация.

Abstract: factors affecting the growth of the population of our country, location and its territorial characteristics are studied in this article.

Key words: population growth, natural reproduction, mechanical movement, population settlement, migration, urbanization.

Демографик вазият мураккаб социал, иқтисодий, географик ва сиёсий жараён бўлиб, у мамлакат аҳолиси сонининг ўсиши ва унинг манбалари ҳисобланмиш табиий кўпайиш ҳамда миграцияси, шунингдек аҳоли жойланиши, урбанизацияси, унинг миллий ва ижтимоий таркиби, оила, меҳнат ресурслари ва иш билан таъминланиш даражасини ўзида акс эттиради [3]. Жаҳон бўйича ушбу жараён доимо ўзгариб турган. Аммо, Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90 йилларидан кейинги даврда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар натижаси янги демографик вазиятни вужудга келтирди ва у олдинги даврдагилардан бутунлай фарқ қилади. Умуман олганда, минтақа аҳолиси демографик жараёнларидаги ўзгаришларга аҳоли сони ўсиш даражасининг кескин камайиши, шунингдек, ушбу жараёнга табиий кўпайиш, айниқса туғилишнинг нисбатан камайиши ҳамда ташқи миграция салбий оқибатларининг ўсиши кучли таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон аҳоли сони жиҳатидан Марказий Осиё давлатлари ичида энг йириги ҳисобланади. Статистик маълумотларига қараганда, 2024 йил 1 январ ҳолатига кўра унинг сони 36799,8 минг кишига етди. Ушбу кўрсаткич 2000 йили 24487,7 минг кишини ташкил қилиб, шу ўтган 24 йил давомида қарийб 12312,1 минг кишига ёки 150,3 фоизга кўпайган. Ушбу кўрсаткич 2000-2010 йилларда 114,3 фоизни, 2010-2020 йилларда эса 121,1 фоизни ташкил қилган. 2000-2024 йилларда аҳолининг ўртача йиллик кўпайиши 2,09 фоизни ташкил этган бўлса, у 2000 йили 1,33 фоиздан 2022 йили 2,14 фоизга кўпайди. Бундан маълум бўладики, кейинги ўн йилликда аҳоли сонининг ўсиш даражаси бироз кўтарилган (1-жадвал).

Тадқиқот даврида аҳоли сонининг ўсиш даражаси шаҳар ва қишлоқ жойларда бир-биридан тубдан фарқ қилади. Жумладан, 2000-2023 йиллар

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

мобайнида аҳоли сони шаҳарларда 9165,5 мингдан 18370,9 минг кишига (200,4%), қишлоқ жойларида эса 15322,2 мингдан 17654,0 минг кишига (115,2%) кўпайган. Одатда қишлоқ жойларида аҳолининг ўсиш даражаси шаҳарларга нисбатан анча юқори бўлган. Лекин, бунга 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ги Вазирлар Маҳкамасининг 68 сон қарорига биноан мамлакатимизда 966 та йирик қишлоқларга шаҳарча мақоми берилиши сабаб бўлган [1]. Мамлакатимизда 2023 йил 1 январ ҳолатига кўра, шаҳар аҳолиси улуши бироз юқори, яъни 51,0 фоизни, қишлоқ жойларида эса 49,0 фоизни ташкил этади.

1-жадвал

Ўзбекистон аҳолиси сони ва унинг даврий ўзгариши

Йиллар	Жами аҳоли сони		Шундан:			
			Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	Минг киши	Аҳоли ўсиши	Минг киши	Аҳоли ўсиши	Минг киши	Аҳоли ўсиши
2000	24487,7	-	9165,5	-	15322,2	-
2010	28001,4	3513,7	14425,9	5260,4	13575,5	-1746,7
2020	33905,2	5903,8	17144,1	2718,2	16761,1	3185,6
2024 ¹	36799,8	2894,6	18370,9	1226,8	17654,0	892,9

Жадвал ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Жадвал таҳлилларидан маълумки, 2000-2023 йилларда мамлакатимиз аҳолиси сони 24487,7 минг кишидан 36799,8 минг кишига кўпайган. Аҳоли сони 2000-2010 йилларда 3513,7 минг кишига, 2010-2020 йилларда 5903,8 минг кишига ва 2020-2024 йилларда 2894,6 минг кишига кўпайган. Тадқиқ этилаётган даврда шаҳар аҳолиси сони 8305,2 минг кишидан 17510,4 минг кишига, қишлоқ аҳолиси эса 12302,5 минг кишидан 17048,5 минг кишига ўсган. Шунини алоҳида эътироф этиш жоизки, юқорида келтириб ўтилган қарорга мувофиқ 2009 йили шаҳар аҳолиси 9698,2 минг кишидан 14236,0 минг кишига кўпайган бўлса, натижада қишлоқ аҳолиси сони 17374,0 минг кишидан 13297,4 минг кишига камайди (1-расм).


1-расм.

Ўзбекистон аҳолисининг шаҳар ва қишлоқ жойлари бўйича ўсиши (минг киши)

¹ Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси 2023 йил бўйича ҳисобланган.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ



ЎЗР Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилди

Республикада демографик жараёнлар, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг минтақавий хусусиятлари аҳоли сони ўсишида даврий ўзгаришларни ҳамда ҳудудий тафовутларни вужудга келтирди. Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистонда 2000-2024 йиллар мобайнида аҳоли сонининг ўсишида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Бу ҳолат, 2000-2010 йилларда 114,3 фоиз ва 2010-2020 йилларда 121,1 фоизга тенг бўлган. Шаҳарларда ушбу кўрсаткич мос равишда 157,4 ва 118,8 фоизни ташкил этган бўлса, қишлоқ жойларида у 88,6 ва 123,5 фоизга тенг бўлган.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиш даражасида кейинги йилларда ўсиш ҳолатини кузатишимиз мумкин. Масалан, аҳоли сони 2000-2010 йилларда 114,3 фоизга, 2010-2020 йилларда эса 121,1 фоизга ўсган. Лекин, 2000-2010 йилларда аҳоли сонининг ўсиш даражаси шаҳарларда 157,4 фоизга, 2010-2020 йилларда эса 118,8 фоизга тенг бўлган. Буни юқорида қайд этилган қарорга боғлиқ мамлакатимиздаги маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар таъсир қилган. Ушбу жараён қишлоқ жойларида мос равишда 88,6 ва 123,5 фоизни ташкил этган. Сўнги йиллардаги аҳоли сони ўсишининг сезиларли даражада ўсишини унинг табиий кўпайиш даражасининг ошиши билан боғлаш мумкин.

Тадқиқ этилаётган даврда мамлакатимизда аҳолининг ўсиш даражаси ҳудудий тафовутларга эга бўлди. Масалан, ушбу даврда аҳоли сонининг ўсиши Қашқадарё, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида бошқа вилоятларга нисбатан анча юқори бўлган. Ушбу ҳолат Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Навоий вилоятларида паст бўлса, қолган вилоятларда эса у ўртача даражада бўлган.

Аҳоли сони ўсишини даврлар мисолида таҳлил этганимизда 2000-2010 йилларда мамлакатимизда унинг ўртача даражаси 114,3 фоизни ташкил этиб, ушбу келтирилган кўрсаткичдан Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида юқори, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ва

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Қорақалпоғистон Республикасида паст бўлган. Мазкур вазият 2010-2020 йилларда 121,1 фоизни ташкил қилган. Бу даврда ҳам мамлакатимиз маъмурий бирликлари бўйича юқоридаги ҳолат кузатилиб, фақат Хоразм вилоятида аҳоли сонининг ўсиши давлатимиз ўртача кўрсаткичидан биров паст бўлиб иккинчи гуруҳдан жой олди эди.

Тадқиқот даврида Ўзбекистон маъмурий бирликлари аҳоли сони ўсиш суръати бўйича учта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ аҳолиси жадал ўсаётган вилоятлар бўлиб, умумий ер майдони 56,1 минг кв км (республикаemiz худудининг 12,5 фоизи) ни ташкил қилади. Кўрилаётган давр мобайнида аҳоли сони 5827,8 мингдан 9286,3 минг киши (159,3 фоиз) га ўсиб, унинг мамлакатимиз аҳолисидаги улуши 23,8 дан 25,8 фоизга ошган.

Иккинчи гуруҳ вилоятлари мамлакатимизнинг 22,3 фоиз худудни эгаллайди (100,0 минг кв км). Мазкур даврда ушбу гуруҳда аҳоли сони 14023,4 мингдан 20713,5 минг киши (147,7 фоиз)га ҳамда унинг улуши 57,3 дан 57,5 фоизга ўзгарган. Иккинчи гуруҳ энг кўп маъмурий бирликларга эга бўлиб, ундан 7 та вилоят ва пойтахт Тошкент шаҳри жой олган. Аҳоли сони ўсиш даражаси бўйича ажратилган учинчи гуруҳ худуди бўйича энг йириги ҳисобланиб, унга мамлакатимизнинг 65,2 фоиз худуди (292,8 минг кв км) тегишли. Тадқиқот даврида унинг аҳолиси 4636,5 мингдан 6025,1 минг киши (129,9 фоиз) га ўсган. Бу даврда аҳоли сони ўсишининг паст даражасига боғлиқ аҳоли улуши 18,9 дан 16,7 фоизга камайган. Демак хулоса қилиш керакки, тадқиқ қилинаётган даврда аҳоли жойлашувидаги асосий ўзгариш, яъни демографик сиғимнинг жануб (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари) ва шарқ (Наманган вилояти) йўналишида ва урбанизациялашган худуднинг шарққа “силжиши” кузатилмоқда.

2-жадвал

Ўзбекистон минтақаларининг аҳоли сони ўсиши бўйича гуруҳланиши (2000-2023 йй.)

№	Гуруҳлар	Маъмурий бирликлар	Худуди		Аҳоли улуши (фоизда)	
			минг кв км	фоиз	2000 й.	2023 й.
1	Аҳоли сони ўсиши (155,0 фоиз ва ундан) юқори	Сурхондарё, Наманган ва Қашқадарё вилоятлари	56,1	12,5	23,8	25,8
2	Аҳоли сони ўсиши ўртача (135,0-149,9 фоиз)	Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри	100,0	22,3	57,3	57,5
3	Аҳоли сони ўсиши (134,9 фоиз ва ундан) паст	Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий ва Тошкент вилоятлари	292,8	65,2	18,9	16,7
	Жами:	14	448,9	100,0	100,0	100,0

Жадвал ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Аҳоли сони ўсишининг ўзига хос минтақавий хусусиятларига миллий ва этник таркиб катта таъсир кўрсатмоқда. Республиканинг маҳаллий халқлари азалдан серфарзанд оилалар ҳисобланиб, унинг асосий қисмини ўзбек миллати ташкил этади. Чунончи, Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибида унинг улуши 81,1 фоиз ва ушбу кўрсаткич аҳоли сони тез ўсиб бораётган биринчи гуруҳда 89,1 фоизга, иккинчи гуруҳда 88,5 фоиз ва учинчи гуруҳда 71,6 фоизга тенг (2022 й.). Табиийки, миллий таркибида бошқа миллат вакиллари кўп бўлган минтақаларда ташқи миграция сальдоси салбий бўлади.

Аҳолининг миллий, этник ва диний таркиби демографик жараёнларга, яъни унинг табиий ҳаракатларига ҳам катта таъсир қилади. Масалан, Ўзбекистонда худудида аввалдан яшаб келаётган маҳаллий аҳолидан ўзбек ва тожикларда табиий кўпайиш бироз юқорилиги билан ажралиб туради. Европадан келган миллат вакиллари, шунингдек қозоқ ва қорақалпоқ миллати вакилларида эса туғилиш бироз кам. Шу сабабдан, миллий таркиби бошқа минтақаларга нисбатан ўзига хос Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Навоий вилоятларида аҳолининг табиий кўпайиши паст.

Бундан ташқари, аҳоли сонининг ўсишида урбанизация жараёнининг ҳам таъсири катта. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда урбанизация даражаси 51,0 фоизга етди. Бу кўрсаткичнинг юқори бўлишига аввало таъкидлаганимиздек мамлакатимизда олиб борилган урбанистик сиёсати кучли таъсир қилди. 2000-2008 йилларда Ўзбекистонда урбанизация даражаси 37,4 дан 35,8 фоизга ўсган, холос.

2000-2023 йиллар мобайнида урбанизация даражаси биринчи гуруҳда 27,8 дан 47,9 фоизга, иккинчи гуруҳда 39,6 дан 52,8 фоизга ҳамда учинчи гуруҳда 42,9 дан 49,5 фоизга ўсган. Иккинчи гуруҳда урбанизация жараёнининг ўсишида Тошкент шаҳрининг аҳамияти катта. Агар пойтахт шаҳарни қўшмасдан ҳисоблаганда кўрилатган даврда урбанизация даражаси ушбу гуруҳда 28,7 дан 44,9 фоизга ошган бўлар эди.

Айтиш жоизки, аҳоли сонининг ўсиши ва жойланишида юқорида келтирилган омиллардан ташқари минтақа экологик вазиятининг ҳам таъсири катта. Чунончи, республикамиз хилма хил табиий шароитга эга. Шу билан бирга, Ўзбекистонда бир қатор экологик муаммолар антропоген омилларга боғлиқ вужудга келган. Бунга йирик шаҳарларда атроф муҳитнинг автомобил, саноат ва маиший чиқиндилар билан, ер ва сув ресурслари эса ҳар хил кимёвий ўғит ва чиқиндилардан ифлосланишини мисол қилиш мумкин. Лекин, аҳолининг ўсиши ва жойланишидаги асосий омиллардан бири Орол денгизи сувининг қуриб бориши билан юзага келган экологик вазиятдир. Мавжуд муаммо мамлакатимизнинг шимоли-ғарбий қисмида яққол кўзга ташланади.

«ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА В БАССЕЙНЕ АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ»

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 21 б.
2. Ембергенов Н.Ж., Сейтназаров А.М., Утарбаева К.А., Алиева Б.А. Аҳоли динамикаси ва унга таъсир этувчи омиллар. "XXI аср - интеллектуал авлод асри" шиори остидаги ёш олимлар ва талабаларнинг худудий илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2014. Б. 37-39.
3. Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. – Т.: Университет, 2006. – 95 б.
4. Embergenov N.J. Trend of Population Growth in Karakalpakistan, Uzbekistan. The 38th Annual Conference on Population and Development (Status Quo & Challenges). CDC, Egypt. P. 585-606.